

# Халқ сўзи

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Шовот тумани марказида лойиҳа қиймати 300 миллион сўмликдан зиёд савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ишга туширилди.

### Янги мажмуа

Натижада ушбу муҳташам бинода аҳолига 10 турдаги хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди.

— Лойиҳани амалга оширишда банк кредити қўл келди, — дейди мажмуа раҳбари Комилжон Қурбонов. — Ҳозир мажмуадан ўрин олган савдо дўкони, гўзаллик саломи, дорихона каби бир нечта шохобчалар одамлар билан гавжум. Асосан, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга қабул қилаяпмиз. Аҳоли талабидан келиб чиқиб, келгусида фаолиятимизни янада кенгайтироқчимиз.

Умуман олганда, ўтган йили вилоят бўйича тижорат банклари томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 21 миллиард 789 миллион сўм кредит маблағлари йўналтирилиб, 1830 та иш ўрни яратилди.

О. РАХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Шу кунларда Андижон вилоятининг барча шаҳар ва туманларида «Биз буюк юрт фарзандларимиз» шiori остида ёшлар фестиваллари бўлиб ўтмоқда.

### Ёшлар фестивали

Хусусан, тадбир доирасида ташкил этилган гала-концертларда она-Ватанини тараннум этувчи куй ва кўшиқлар янгради. Касб-хунар коллежлари, мактаб ҳамда академик лицей ўқувчилари ўртасида расмлар ва ишонлар талови ўтказилди. Адабиёт ва санъат намоёндалари билан учрашувлар, машур спортчилар билан очiq мулоқотлар уюштирилди.

Андижон шаҳридаги Ёшлар марказида эса бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда диний ақидалараслиқ, гивҳандлик, одам савдоси ва терроризмга қарши курашиш ҳамда уларнинг олдини олишга бағишланган ўтказилган тадбир, айниқса, ёш иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Бу каби тадбирлар ёшларни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштиради, — дейди Андижон шаҳридаги 30-умумтаълим мактаби ўқувчиси Дилшодбек Нурматов. — Биз ҳар доим буюк аجدларимиз авлоди эканлигимизни ҳис қилиб, ёрқин келажак қуришга масъул эканлигимизни унутмаслигимиз ва бу йўлда бор куч-ғайратимизни яамаслигимиз лозим.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тўртқўллик тадбиркор Султонбой Утаниёзов банкнинг 98 миллион сўмлик кредити ҳисобига ўзи раҳбарлик қилаётган «Тўртқўллик Утаниёзовлар боғи» масъулияти чекланган жамияти қошида иссиқхона барпо этди.

### Қишда ҳам ёз неъмат

12 киши иш билан таъминланган ушбу иссиқхонада бодринг, помидор каби ёз маҳсулотлари етиштирилиб, аҳоли дастурхонига етказиб берилмоқда.

Ўтган йили туманда тадбиркорларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 15 миллиард 200 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

Х. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Изланиш, мутолаа, салоҳият

Ахборот-ресурс марказлари аҳолига замонавий ахборот хизматлари кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга.



Навқирон авлод камолотида китобнинг ўрни беқиёс. Зеро, мутолаа билан машғул, зиё чашмасидан баҳраманд ўғил-қизлар кенг дунёқараш, бой тафаккур ва етук маънавий фазилатлар соҳиби бўлиб улғайишади.

### Қарор ва ижро

Бугун ёшларимиз ўқиб-изланиш орқали нафақат маънавий эҳтиёж қондириш, балки илмий тадқиқотлар олиб бориш, янгилик яратиш, ўзига хос ҳаётий ташаббусларни илгари суриш, замон билан ҳамнафас фикрлаш қобилиятига эга бўлишга ҳам астойдил интиломқдалар. Шу маънода, кутубхоналарга келувчи ёш мутолаа ихлосмандларининг мақсад ва

мўлжаллари аввалгига қараганда анча ўзгарган. Эндиликда китобхона фақат бадий асарларни мутолаа қилиш учун эмас, аниқ бир вазифани бажариш, муайян юмушнинг урдалиши, жаҳонда рўй бераётган янгиликлардан хабардор бўлиш, касбий билимларини бойитиш ниятида кутубхонага қадам босади. Бу эса ахборот-кутубхона марказлари мутахассислари-

нинг зиммасига катта масъулият юклати, табиий.

Президентимизнинг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори соҳа ходимлари учун бу борада долзарб ҳисобланган аниқ вазифаларни белгилаб берди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатда кўзда тутилганидек, тизимдаги туб ислохотлар кутубхоначилик касбини янгича мазмун-моҳият билан бойитишга хизмат қилади. Мазкур соҳа мутахассиси — тарбиячи, руҳшунос, китоб хазиначиси, зиё масканининг фидойи хизматчиси каби вазифалар билан бир қаторда, ахборот-коммуника-

ция соҳасининг билимдон мутахассисига айланиши тақозо этилади. Шу боис бугун соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрлар малакасини мунтазам ошириш каби долзарб масалалар юзасидан амалий саяё-ҳаракатлар изчил олиб борилмоқда.

Наманган вилояти Халқ таълими бошқармасига қарашли ахборот-ресурс марказида ҳам замон талабларига мос шарт-шароитлар яратилган. Адабиётлар сони кўпайтирилишига, замонавий электрон ахборот тизимини кенг татбиқ этишга эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

### Ислохот

Бугунги глобаллашув даврида замонавий алоқа ва ахборот технологияларига талаб ҳамда эҳтиёж тобора ортиб бораётган. Шундан келиб чиқиб, барча соҳаларга илғор инновациялар кенг жорий этилмоқда. Хусусан, илгари оддий телефон алоқаси етиб бормаган олис ва чекка қишлоқларда эндиликда мобил алоқа, интернет ва замонавий рақамли телевидение имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмоқда.

### Телекоммуникация ва тараққиёт

Сурхондарё вилоятида ҳам бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар кўлами кенг. Хусусан, ўтган йили Инвестиция дастурига мувофиқ, ҳудудда узунлиги 101,9 километри ташкил этувчи «Бойсун — Денов» оптик толали алоқа линияси ишга туширилди. — Президентимиз 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналиши ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида мазкур лойиҳа ва унинг самараси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди, — дейди «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси телекоммуникация транспорт тармоқлари филиали 7-боғланмаси бошлиги Алмирза Шаймарданов. — Хусусан, ушбу линия бунёд этилиши, энг аввало, бойсун — Денов шаҳрлараро кабелли магистрალი қисмида мавжуд транспорт-телекоммуникация тармоғи-

ни захиралашга имконият яратди. Яна бир эътиборли жиҳати, бу орқали мамлакатимиз жанубидagi олис ҳудудларда ҳам алоқа узлуksизлиги таъминланди. Айни пайтда магистралнинг Денов, Сарисий, Шарғун йўналишлари бўйлаб кабелларни захиралаш ишлари давом эттирилмоқда. Шунингдек, Жарқўрғон, Денов телекоммуникация боғланмалари биноси қайта таъмирланиб, «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Ягона ойна» таъмирили бўйича 2 та янги савдо шохобчаси ишга туширилди. Уларда аҳолига барча турдаги телекоммуникация ва замонавий мобил, стационар алоқа хизматлари тақдим этилаётган. Яқин кунларда бундай қулайликлардан Ангор, Бойсун, Шўрчи, Алмирза Шаймарданов, Сарисий, Узун, Кизилриқ, Қумқўрғон туманлари аҳолиси ҳам фойдаланиш имкониятига эга бўлишади.

Н. ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Саноат тармоқларига йўналтирилаётган сармоялар

иқтисодий барқарорлик ва фаровон турмуш кафолатидир

Иқтисодий барқарорлик — хорийий инвесторлар учун ҳам, мамлакат тараққиёти учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки қайси давлатда сармоядорларга қўлай муҳит яратилса, ўша жойга интилиш кучаяди. Кувонарлиси, бугун Ўзбекистон ана шундай мамлакатлар сирасига киради. Изчил амалга оширилаётган ислохотлар туфайли юртимизга чет эллик инвесторларнинг қизиқиши тобора ортмоқда.

### Мушоҳада

Бундан ташқари, республикамизнинг хом ашё захираларига бойлиги, ривожланган инфратузилма ва юқори интеллектуал салоҳиятнинг мавжудлиги, энг муҳими, қўлай географик жойлашуви хорийлик ҳамкорлар билан ишлаш кўламини кенгайтиришга хизмат қилаётган. Президентимизнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида

ўтган йили иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион АҚШ доллари микдориди ички ва хорийий инвестициялар жалб этилиб, бу борадаги кўрсаткич аввалги йилдагига нисбатан 14 фоизга ўсганлиги алоҳида қайд этилди. Ушбу сармояларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилгани, айниқса, диққатга сазовордир. Дарҳақиқат, инсон манфаати улуглини, аҳоли турмуш фаровонлигига устуворлик берилган юрда ривожланиш бўлиши аниқ,

Истиқлол йилларида республикамизда айна шу тамойилларга асосланган ислохотлар изчил амалга оширилаётганлиги натижада барча соҳаларда улкан муваффақиятларга эришилаётган. Хусусан, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ўртасида мутаносибликнинг кучайиши ҳамда барқарор ўсиш суръатларининг таъминланиши туфайли аҳоли даромадлари кўпайиб, эртанги кунга бўлган ишончи янада мустаҳкамланмоқда. Бундай юксак самараларни қўлга киритишда, аввало, янги замонавий корхоналар ташкил этилиб, уларда тайёрланаётган маҳсулот ёки кўрсатилган хизмат турлари сифат жиҳатдан яхшиланиб бораётгани, қисқача айтганда, иқтисодиётимизнинг тубдан янгиланаётгани муҳим омил бўлаётган. Биргина ўтган йилда саноат соҳасида юз берган ўзгаришлар ана шунинг яққол далолатидир.

(Давоми 2-бетда).

## Тиббиёт муассасалари: Моддий-техник база мустаҳкамланмоқда

2012 йилда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасининг

255 миллиард сўмдан ортик маблағлари тиббиёт муассасаларини куриш ва реконструкция қилишга йўналтирилди.

Натижада кўплаб янги шифохоналар ва амбулатория-поликлиника объектлари фойдаланишга топширилиб, мавжудлари замонавий диагностика ҳамда даволаш ускуналари билан жиҳозланди. Бу эса аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва малакасини янада яхшилаш имконини берди.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

2013 йил 14 февраль кунини депутатлар Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига биринчи ўқишда киритилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқишни давом эттирдилар.



## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Мажлис жараёнида Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун лойиҳаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қонунчилик палатаси мажлисида алоҳида таъкидландики, мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида ННТ ва бошқа фуқаролик институтларининг ролини янада ошириш демократлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятига уйғунлаштириш бўйича қўйилган мақсадни рўёбга чиқаришнинг ҳал қилувчи омилга айланмоқда. Фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти демократик кадрларнинг, одамларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омил бўлиб, фуқаролар ўз салоҳиятларини рўёбга чиқаришлари, уларнинг ижтимоий, социал-иқти-

содий фаоллигини ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шарт-шароит яратди, жамиятда манфаатлар мувозанатини сақлаб туришга кўмаклашади.

Депутатларнинг фикрича, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳаллаларнинг вазифаларини кенгайтириш жараёнини янада қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаш ҳамда унинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан яқин ҳамкорлигини таъминлаш масалалари жиҳдий эътибор қаратишни талаб қилади.

Шу муносабат билан янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини кучайтиришга, уларнинг жамоатчилик назорати соҳасидаги вазифаларини янада кенгайтиришга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳусусий тадбиркорлик, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва хунарманчиликни ривожлантириш марказига айлантиришга қаратилгандир.

(Давоми 2-бетда).

### Биз ва жаҳон

Бельгияда ҳар йили ўтказиладиган «Vacantiesalon» халқаро ярмарка-кўргазмасида Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик салоҳияти тақдим этилди.

## «Vacantiesalon» Ўзбекистон бўйлаб саёҳатга чорлайди

Тақдирот чоғида Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасининг тараққиёти, юртимиз тарихи, бой маданий мероси ва ранг-баранг миллий анъаналари ҳамда халқ амалий санъатига доир атрофлича маълумотлар тадбир иштирокчилари ва унинг меҳмонлари эътиборига ҳавола қилинди.

Жорий йили ушбу халқаро ярмарка-кўргазмада АҚШ, Германия, Испания, Канада, Малайзия, Сингапур, Таиланд, Франция ва бошқа мамлакатларнинг етакчи сайёҳлик компаниялари иштирок этди. Уларга «Vacantiesalon» яна бир бор янги сайёҳлик мавсумини қамраб оладиган кўплаб ўзаро манфаатли шартномаларни имзолаш имконини яратди.

Мазкур анъанавий ярмаркада кўплаб мамлакатлар қаторида Ўзбекистон бўйлаб саёҳат дастурлари ҳам таклиф этилди.

(Давоми 2-бетда).

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Хусусан, тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қўшимча ваколатлар бериш назарда тутилмоқда. Шунингдек, маҳаллалар тегишли масъула марказлари ташкил этиши бўйича ваколатлар олиши назарда тутилган бўлиб, бу масъула марказлари тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишни хоҳловчиларни ўқитиш бўйича қисқа мuddатли курсларни ташкил этади, тадбиркорлик фаолияти субъектларини мавжуд имтиёзлар ва бериладиган афзалликлар ҳақида хабардор қилади, ёшларни ишга жойлаштиришда, уларнинг таълимлотлар ва хунармандларга бичиртириш қўйилишига кўмаклашади.

Янги тахрирда, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолининг иқтисодий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш чораларини амалга оширишни, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш марказлари билан биргаликда иқтисодий қўллаб-қувватлашга муҳтож кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқлашни, фуқаролар йиғини ҳудудда яшовчи кишиларни иш билан таъминлашни белгилаб қўйиш тақлиф этилмоқда.

Мажлисида таъкидландики, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги тахрири фуқаролик жамияти институтларини янада шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилади. Ҳужжат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг раислари сайлови тизимини янада такомиллаштиришга, уларни ўқитиш сифатини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини рўёбга чиқаришда оқсоқолини оширишга, шунингдек, фуқароларнинг иқтисодий фаоллигини таъминлашда маҳалланинг аҳамияти ва ролини оширишга доир чора-тадбирлар қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйилишини назарда тутади.

Лойиҳада фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларга қўйиладиган бир қатор қўшимча талаблар, хусусан, камида беш йиллик ўрқоқлик цензи, давлат органлари ёки нодавлат нотижорат ташкилотларидаги ёхуд ҳўжалик ва тадбиркорлик фаолияти соҳасида иш таърибига эга бўлиш зарурлиги белгилаб қўйилмоқда.

«Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда уларга нисбатан

қўлланиладиган жавобгарлик чора-тадбирларини либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилди. Тузатишлар «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни иқтисодий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги, «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги, «Стандартиштириш тўғрисида»ги, «Махсулотлар ва хизматларни сертифицилаштириш тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларга, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ҳўжалик процессуал, Божхона, Солиқ кодексларига, мамлакатимизнинг бошқа қонунларига киритилмоқда.

«Ўзбекистон Республикасининг Ҳўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳўжалик судларида иш юритишни янада такомиллаштириш, судлар ва процесс иштирокчилари ўртасида ҳужжатлар алмашилуви тизимини соддалаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасида суд процесси иштирокчиларини хабардор қилиш, уларга суд ҳужжатларининг кўчирма нусхаларини электрон почта орқали юбориш учун ҳўжалик судлари замонавий алоқа воситаларидан фойдаланиши назарда тутилган. Ҳўжалик

суди билан процесс иштирокчилари ўртасида электрон ҳўжат айланиши тизимининг жорий этилиши одил судловнинг ошқоралигини кўпроқ таъминлашга қаратилган. Бундан ташқари, акциялар ва акциядорлик жамияти, бошқа ҳўжалик ширкатлари ва жамиятларининг иштирокчилари ўртасида уларнинг фаолиятидан келиб чиқадиган низоларнинг, меҳнат низолари бундан мустасно, ҳўжалик судларига тааллуқлигини назарда тутувчи норма жорий этилмоқда.

Қонунчилик палатаси батафсил муҳокамадан сўнг юқорида кўрсатиб ўтилган қонун лойиҳаларининг концепцияларини маъқулади ва депутатларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда, уларни биринчи ўқишда қабул қилди. Ҳужжатларни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш масъул кўмиталарга топширилди.

Қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш пайтида барча сиёсий партиялар фракцияларининг ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари саволлар ҳамда тақлифлар билан сўзга чиқдилар. Улар ҳар бир ҳўқуқий ҳужжат лойиҳаси юзасидан партия дастурлари ва сайловчилар фикрлари инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилган ўз нукта назарларини баён этидилар. Депутатлар жамиятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, ҳўжалик суди ишлари юритишни такомиллаштириш учун кўриб чиқилган қонун ҳужжатларининг муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аxbорот хизмати.

## «Vacantiesalon» Ўзбекистон бўйлаб саёҳатга чорлайди

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Жумладан, Европанинг «Bt Tours», «Escape», «Ansel Travel», «Dromen», «Doser», «Hobo Reisen», «Terra Travel», «Kuoni», «Koningap», «De Reisspecialist» сингари етакчи компаниялари кўргазма меҳмонларига мамлакатимиз бўйлаб қизқариш саёҳатларини ўз ичига олувчи дастур ҳамда қўлланма ва рисолаларни тақдим этдилар.

«Жаҳон» аxbорот агентлигининг мухбири билан суҳбат чоғида «De Reisspecialist» компаниясининг менежери Вили Кроес европаликларнинг Ўзбекистонга нисбатан қизиқиши тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Унинг фикрича, Ўзбекистон сайёҳлик компанияларининг бу каби йирик халқаро анжуманлардаги мунтазам иштироки юртимизга келадиган сайёҳлар сонининг янада кўпайишига хизмат қилмоқда.

Бельгиялик ёзувчи ва сайёҳлик оператори Мали-Хелен Де Шпигелер сўнгги йиллар мобайнида бир неча маротаба Ўзбекистон бўйлаб сафар уюштириш имкониятига эга бўлганини таъкидлар экан, мамлакатимизнинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз сингари қадим шаҳарларида қад рўстлаган бетакорор меъморчилик обидалари уни бениҳоя мафтун қилганини айтди.



Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилар экансиз, ўзингиз учун қўллаб янги ва аjoyиб туйғуларни ҳис этасиз, — деди у. — Унутилмас ва беқийб саёҳатларимдан бирида чексиз Қизилқум саҳросининг гўзаллигини, унинг ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсидан хайратга тўшдим. У ерда ҳўк сурадиган осойишталик ва табиийликдан завқ олиш имкониятига эга бўлдим.

Бельгиялик ёзувчи тез орада ўзининг Ўзбекистон мавзусига бағишланган китобини ёзишга киришишини ҳам маълум қилди.

«Жаҳон» АА. Брюссель

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Марказимизда аввалги кутубхоначилик тизимидан фарқли равишда ҳар бир ўқувчи учун кулай имкониятлар яратилган, — дейди маърифат маскани директори Нодирахон Муродова. — Ҳозирги кунда 9735 номдаги турли адабиётлардан иборат фондимиздан барча ёш ва ихтисосликдаги ўқувчилар фойдаланишапти. Айна пайтда китобхонларимиз 7,5 минг кишидан зиёд. Мутолаа зали, аxbорот технологиялари, маънавий-маърифий ишлар, ах-

борот-библиография ва ўлкашунослик каби бўлимлар улар хизматида.

Дарҳақиқат, марказ фаолияти аҳолининг барча қатламлари, хусусан, ёшларнинг интеллектуал эҳтиёжларини тўла қондиришга йўналтирилганлиги билан диққатга сазовор. Китобхонларни тизимли аxbорот билан таъминлаш мақсадида илм-фан ва жамиятнинг турли жаҳдаларига оид маълумотлар базаси яратилиб, унга юздан ортиқ электрон дарсликлар киритилган. Автоматлаштирилган кутубхонанинг дастурий тизи-



Қўшимча маълумотларга қўйиладиган бир қатор қўшимча талаблар, хусусан, камида беш йиллик ўрқоқлик цензи, давлат органлари ёки нодавлат нотижорат ташкилотларидаги ёхуд ҳўжалик ва тадбиркорлик фаолияти соҳасида иш таърибига эга бўлиш зарурлиги белгилаб қўйилмоқда.

## ИЗЛАНИШ, МУТОЛАА, САЛОҲИЯТ

Аxbорот-ресурс марказлари аҳолига замонавий аxbорот хизматлари кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга.



ми ишга тушгач, тезкор хизмат кўрсатиш, сўровларга жавобан зарур аxbорот ва маълумотларни ҳавола этиш каби янги хизмат турлари йўлга қўйилди. Кейинги пайтларда, айниқса, янги аxbорот технологиялари ва интернет синфи бўлими хизматига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда.

— Бўлимимизда бешинчи ва олтинчи синф ўқувчиларига инглиз тилини ўргатиш, интерфал усулда машгулотлар ташкил этиш бўйича электрон дарсликлар ишлаб чиқилди, — дейди АКТ мутахассиси Дилшод Султонов. — Утган йили шу

каби хизматлардан 1200 нафардан зиёд ўқувчи ёшлар фойдаланди. Бундан ташқари, 25 нафар ўғил-қиз бу ерда ташкил этилган «Компьютер сабоқлари» тўрагадига мунтазам шуғулланмоқда. Аxbорот-кутубхона имкониятларидан унумли фойдаланаётган ёшларнинг кўпчилиги марказда олаётган сабоқлари ёрдамида дунёвий аxbоротлар билан мунтазам танишишдан ташқари, ўзлари қизққан фанлар ҳамда мутахассисликлар бўйича қўшимча маълумотларга эга бўлишапти.

Яқинда марказнинг ахбо-

рот-библиография ва ўлкашунослик бўлимида мўъжазгина музей очилди. Ушбу хонага ташриф буюрган киши ўша ва яқин тарих билан рўбарў келгандек бўлади. Бойси унда аждодларимиз меросидан ҳўкю қилувчи қўллаб ноёб ашёлар жамланган. Истиклол даврига оид материаллар эса мустақил мамлакатимизнинг ишончли тараққиети ҳақидаги тасаввурларни янада бойитди.

Қўдимов НАХМИДДИНОВ, Шомурот ШАРАПОВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбири.

## Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан ҳамкор давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудий тузилмалари ходимлари учун ўқув-семинарлар ташкил этилди.

сида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига тўла риоя этиш, 2012 йил 26 апрелда қабул қилинган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини маҳалла фаоллари ўртасида кенг тарғиб қилиш, маҳаллани хусусий тадбиркор-

лотдаги 115 та қишлоқ, 5 та шаҳарча, 712 маҳалла фуқаролар йиғинлари самарали фаолият юритишда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилояти бўлими бош мутахассиси Л. Сафарова. — Ўқув машгулотларида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларида давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш,

# Маҳалла фаолиятини такомиллаштириш — устувор мақсад

нинг самарали бажарилишида услубий ва амалий кўмаклашиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида Фонд ва унинг ҳудудий тузилмаларининг аҳамияти жуда катта. Шу маънода, ушбу муассасаларда фаолият юритаётган ходимларнинг билими ва малакасини ошириш айна заруратдир.

— Ўқув машгулотларида Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, давлатимиз раъбарининг «Юксак маънавият — энгилмас куч» ва «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» каби китоблари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси мазмун-моҳияти, улардаги асосий гоя ва устувор вазифалар аҳамиятини маҳалла фаоллари ҳамда кенг жамоатчиликка тушултириш борасида ҳудудий бўлим ва бўлимларда олиб борилаётган ишлар кўриб чиқилиб, тегишли тавсиялар берилмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси биринчи ўринбосари Д. Аллаев. — Айна чоғда «Фуқароларнинг муносабатлари тўғри-

лик ва оилавий бизнесни ривожлантириш маркази сифатида шакллантириш, аҳоли томорқасидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш билан боғлиқ қатор долзарб масалалар муҳокама этилмоқда. Умуман олганда, бу тадбирлар Фонд ҳудудий тузилмалари ходимларининг иқтисодий-сиёсий ва ҳўқуқий билимларини оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Бахс-мунозараларга бой тарзда ўтаётган машгулотларда «Оила — маҳалла» таълим муассасаси ҳамкорлик механизмининг, хусусан, жойларда ташкил этилган Жамоат кенгашлари фаолиятини янада кучайтириш ҳамда ота-оналарнинг ёш авлодни тарбиялаш бўйича ҳўқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини оширишда «Ота-оналар университетлари»нинг ролини ошириш билан боғлиқ фикрлар ҳам илгари сурилмоқда. Зеро, ушбу механизмларнинг янада такомиллаштирилиши маҳаллаларимизда осудалик бардавом бўлиши, ёшларимизнинг баркамол инсонлар сифатида камолга етиши ва пировардида юртимиз нуфузи бундан-да ошишида муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

— Ҳозирги пайтда Сурхондарё ви-

лоятдаги асосий фаолият йўналишлари бўйича турли комиссиялар ишини самарали йўлга қўйиш, қонунларда белгиланган вазифаларни бажаришда давлат бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари билан ўрнатилган иқтисодий шериклик муносабатларини такомиллаштириш, нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш масалалари билан боғлиқ илгор тажрибалар ҳам ўрқоқлашилмоқда.

— Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасида турмушимизни янада обод қилиш вазифасини олдимиизга қўяр экан, ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шартини, бу — аввало, маҳаллани обод қилиш демократик, деган устувор вазифани илгари сурган эди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Чимбой тумани бўлиммаси раиси Б. Абдуллаев. — Бу эса фуқаролар йиғинлари ва «Маҳалла» фонди қўйи тузилмалари фаолиятини янада такомиллаштиришнинг ҳамда маҳалла институтининг иқтисодий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтиришни талаб этади. Зеро, бугунги кунда маҳалланинг жамият ва давлат тараққиёти, хусусан, ҳудудларни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришдаги ўрни ва ролни тобора ошиб бораётган экан, уларнинг ваколатлари қўламини кенгайтириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш айна мудидадир. Машгулотларда маҳаллалар ҳамда Фонд фаолиятига оид қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти билан ҳам яқиндан танишдик.

Шунингдек, ўқув-семинарларда маҳалла фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ яна қўллаб масалалар кўриб чиқилмоқда.

Интерфал усулдаги бундай машгулотлар Фарғона, Хоразм, Андижон ва Қашқадарё вилоятларида ҳам ўтказилди.

Муктасар айтганда, кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиёти, аҳоли турмуши тобора юксалиб бормоқда. Зеро, юртимизда ташкил этилаётган янги санаят корхоналари нафақат иқтисодиётимизни барқарорлигини таъминлаётган, балки одамларнинг яшаш шартини яхшилашга ҳам хизмат қилапти. Иқтисодиётимизни ривожлантириш йўлида изчил амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам ана шундан иборат, аслида.

Иқрол АҲМЕДОВ, иқтисод фанлари номзоди.

## Йўловчилар мамнун

Андижон шаҳрида «Завроқ ГЭС — Қишлоқ ҳўжалик институтини» йўналиши бўйлаб 15 та замонавий автобус қатнови йўлга қўйилди.

— Мазкур хайри ташаббус «Шаҳрихон йўловчи транс» масъулияти чекланган жамияти томонидан рўёбга чиқарилиди, — дейди Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорт агентлигини Андижон ҳудудий бўлими сектор мудири М. Ҳайдаров. — Ҳозир 27 километр масофа оралигида йўловчиларга тезкор ва сифатли транспорт хизмати кўрсатилмоқда. Айна пайтда ушбу қулайликдан аҳоли мамнун. Келгусида яна қўллаб йўналишлар бўйлаб ҳам қатновлар сонини кўпайтиришни мақсад қилганмиз.

Хуршид ҲАМИДОВ.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Яхши хабар

Қашқадарё вилоятида ўрмон ҳўжаликлари, асаларичиликка ихтисослаштирилган тадбиркорлик субъектлари ташаббуси билан "Қашқадарё асали" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди.

**Асаларичилик истиқболи**

Жамият олдида мазкур сердаромад тармоқни янада ривожлантириш, асаларичилик сермахсул зотларини кўпайтириш, наслчилик ишларига жиддий эътибор қаратиш, соҳага ихтисослаштирилган ҳўжаликлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш каби устувор мақсадлар қўйилган.

— Вилотимизда асаларичиликни ривожлантириш учун ҳали ишга солинмаган бир қатор имкониятлар мавжуд, — дейди "Қашқадарё асали" масъулияти чекланган жамияти раиси, "Умархўжа Каримович" наслчиликка ихтисослаштирилган асаларичилик фирмаси раҳбари Карим Хонназаров. — Жумладан, зооветеринария хизматларини такомиллаштириш, соҳани илмий асосларда ривож-

лантириш ва малакали мутахассисларни тайёрлаш, асал маҳсулотларини чиройли ва бежирим идишларда қадоқлаб, уларни экспорт қилишни ҳам йўлга қўйиш каби масалалар шулар жумласидан.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, айна пайтда вилоятда асаларичиликка ихтисослаштирилган 472 ҳўжалик субъекти фаолият юритмоқда. Улар томонидан йил давомида 316 тонна шифобахш неъмат ишлаб чиқарилди. Бинобарин, Китов ва Шахрисабз туманларидаги "Нектар кафолат" хусусий корхонаси, "Асқаров Ниёз" масъулияти чекланган жамиятларида асални қадоқлаш йўлга қўйилди.

Аҳад МУХАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ**  
2013 йил 28 март, 4, 11, 18 ва 25 апрель кунлари ўтказиладиган оммавий оферта савдоларига тақлиф этади.

Оммавий оферта савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темуր шоҳқўчаси, 101-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қуйидаги ҳўжалик жамиятлари устав фондидаги банк улушлари қўйилмоқда:

Т/р	Устав фондидаги улуш сотилаётган ҳўжалик жамиятининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли	Устав фондидаги улуш сотилаётган ҳўжалик жамиятининг		Савдога қўйилаётган улушнинг устав фондидаги фоизи (%)	Савдога қўйилаётган улушнинг бошланғич баҳоси	
